



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

2021 йил — Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2021 йил 26 ноябрь, № 253 (8033)

Жума

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни Европа Иттифоқининг Европа комиссияси вице-президенти Маргаритис Схинас бошчилигидаги делегациясини қабул қилди.



Учрашув аввалида ЕИнинг юқори даражадаги вакили давлатимиз раҳбарига Европа кенгаши раиси Шарль Мишель ва Европа комиссияси раҳбари Урсула фон дер Ляйеннинг саломлари ва энг эзгу тилаklarини etkazди.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

Икки томонлама мулоқотлар, шу жумладан, иқтисодиёт, қонун устуворлиги, демократик янгилинишлар, инсон ҳуқуқлари, хавфсизлик ва бошқа устувор йўналишларда ҳамкорлик фаоллашгани мамнуният билан қайд этилди.

Шу ойда “Ўзбекистон — ЕИ” ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши муваффақиятли ўтказилди.

Ўзаро савдо ҳажми жадал ортомқда, Европа етакчи компанияларининг илғор тажрибаси ва технологияларини жалб қилган ҳолда йирик инвестиция лойиҳалари устида иш олиб борилмоқда.

Таълим, хавфсизлик соҳаларида, терроризм ва наркотрафикка қарши курашиш борасида муҳим қўшма дастурлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва ЕИ ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим бўйича музокараларни якунлаш ва уни тез фурсатда қабул қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Минтақа кун тартибидеги долзарб масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ў.А.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОКИСТОН ЕТАКЧИЛАРИ ЎЗARO МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни Покистон Ислоҳ Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Бош вазир Имрон Хонни таваллуд куни билан чин дилдан кутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, дўст Покистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва раванак тилади.

Сўхбат чоғида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Мулоқотлар фаоллашгани, икки томонлама товар айирбошлаш кўрсаткичлари сези-

ларли даражада ўсгани ва ишбилармонлар ўртасидаги кооперация кучайгани мамнуният билан қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, фармацевтика ва кимё саноати, тўқимачилик ва қурилиш материаллари тармоқлари, бошқа соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Бўлажак учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Ў.А.

## ТУТАШ ТОМИРЛАР

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон ташқи сиёсатида очик, дўстона ва прагматик сиёсат олиб борилмоқда. Бунинг натижасида кейинги йилларда Ўзбекистоннинг дўстлари, хайрихоҳлари кўпайди. Қўшни, яқин ва узоқ мамлакатлар билан мутлақо янги — соғлом сиёсий ва иқтисодий алоқалар йўлга қўйилди. Халқаро ҳамкорликнинг кенг йўналишлари, замонавий механизмлари жорий этилмоқда. Туркий давлатлар ташкилоти ана шундай янги платформалардан биридир.

### ■ Акс садо

2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида ривожланиш стратегияси ва алоқаларни кенгайтириш мақсадини белгилаб берган Туркий тили давлатлар ҳамкорлиги Кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги декларация имзоланди. Бу воқеа қардош халқлар алоқалари эволюциясида янги, бирмунча маъналий ва прагматик босқичга йўл очди.

Ўтган йиллар ичида Кенгаш иштирокчилари — Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия томонидан пухта институционал архитектура барпо этилди. Булар Турк Парламент ассамблеяси (ТуркПА), ТУРКСОЙ — Турк маданияти халқаро ташкилоти, Турк академияси, Турк маданияти ва мероси фонди, Оқсоқоллар Кенгаши, Савдо-саноат палатаси.

► 3

### Фракцияларда

## ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ИЖРОСИ Кўриб чиқилди

Кеча сиёсий партияларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияларининг навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил 9 ойи якунлари ижросига оид ҳисоботи, шунингдек, “2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетни тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси йиғилишида жорий йилнинг январь — сентябрь ойлари ҳолатига кўра Ўзбекистон иқтисодиёти 6,9 фоизга ўсгани эътироф этилди.

Таъкидланганидек, ҳисобот даврида иқтисодиётда амалга оширилган харажатлар 13 551,6 млрд. сўмни ташкил қилди. Шунингдек, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси давлат мақсадли жамғармаларининг даромадлари

прогнози 26 173,9 млрд. сўм бўлиб, прогноз кўрсаткичлари тўққиз ойлик ижроси 24 136,2 млрд. сўмга ёки йиллик прогноз 92,2 фоизга бажарилган.

Фракция аъзолари партия Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда Давлат бюджетининг 9 ойлик якунларига оид ҳисоботда ҳар бир вазирлик ва идораларнинг кенгайтирилган харажатларини уларга қўйилган вазифалар билан боғланган ҳолда кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

► 2

### Сенатор ва ҳаёт

## Янги қонунлар моҳияти аҳолига етказилмоқда

Яқинда бўлиб ўтган Олий Мажлис Сенатининг йиғирма биринчи ялпи мажлисида бир қатор қонунлар маъқулланган ҳамда мамлакат ҳаётида муҳим аҳамиятга эга ижтимоий, иқтисодий ва бошқа масалалар кўриб чиқилган эди. Айни кунларда сенаторлар ҳудудларда бўлиб, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини аҳолига етказмоқда. Шу мақсадда жойларда турли тадбирлар ва учрашувлар ташкил этилаётир.

Олий Мажлис Сенатининг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари қўмитаси раиси Борий Алихонов Тахтақўпир тумани фаоллари билан учрашди.

Йиғилишда Сенатнинг йиғирма биринчи ялпи мажлисида маъқулланган “Фавкулдодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонун, “Ин-

теллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ҳамда “Гидрометеорология фаолияти тўғрисида”ги қонунларнинг мазмун-моҳияти очиб берилди.

► 2

## ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

Кеча мамлакатимиз парламент делегациясининг Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтаётган МДХ Парламентлараро Ассамблеясининг навбатдаги ялпи мажлисида иштироки доирасида Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоеванинг Россия Федерацияси Федерал Мажлиси Федерация Кенгаши Раиси Валентина Матвиенко билан учрашуви бўлиб ўтди.

### ■ Мулоқот

В. Матвиенко Ўзбекистонда Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, жорий йилнинг 24 октябр кунини бўлиб ўтган Президент сайловини юқори баҳолади.

— Икки мамлакат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишончга эга бўлиб, улар Россия — Ўзбекистон ҳамкорлиги кун

тартибини белгилаб беради. Шунингдек, давлатларимиз раҳбарларининг савб-ҳаракатлари туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган даражага кўтарилди, — деди В. Матвиенко. — Ҳамкорлигимиз иқтисодий, гуманитар ва бошқа соҳаларда муваффақиятли ривожланмоқда. Ўзбекистон Президенти парламент ҳамкорлигини ривожлантиришга катта эътибор қаратмоқда. Юксак

“Дўстлик” ордени учун яна бир бор миннатдорлик билдираман. Учрашувда Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини мустаҳкамлаш масалалари муҳокама қилинди. Таъкидланганидек, давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг қайта сайланганидан сўнг Россия Федерациясига амалга оширган ташрифи икки томонлама муносабатларнинг ўзига хос хусусиятини яна бир бор тасдиқлайди.

► 2

Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

## ОЛИЙ ИҚТИСОДИЙ ТАЪЛИМ БАЙРОҚДОРИ



Мамлакат тараққиётида иқтисодиёт йўналишида тайёрланадиган кадрларнинг аҳамияти беқиёс. Бу ҳақда сўз кетганда, Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳаёлимизга келади. Мазкур даргоҳда камолга етган кадрларнинг Ўзбекистон иқтисодиёти шаклланишида, шунингдек, бугунги иқтисодий ислохотларда салмоқли ҳиссаси бор. “Марказий Осиёда етакчи”, “байроқдор” деган мақомга эришган олий ўқув юртининг 90 йиллик шарафли тарихи, тавсифи бор. Бу шонли тарихнинг машаққатли, аммо шарафли пиллапоялари матонат билан босиб ўтилган.

1931 йилнинг 13 августида Урта Осиё молия-иқтисод институти ташкил этилди. Унинг зиммасига Марказий Осиё республикаларини иқтисодчи кадрлар билан таъминлаш вазифаси юклатилди. Бу билан ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг пойдевори қурилиб, бугун биз билган ва фахрланганидан шаклу шамойил бўй кўрсата бошлади.

Шунини айтиш керакки, ўша давр — ўтган асрнинг 30-йилларида Ўзбекистонда олий

маълумоти, миллий иқтисодчи кадрлар тайёрлашнинг шаклланиши катта ютуқ, янгилик ҳисобланарди. Чунки ташкил этилаётган завод ва фабрикалар, жамоа хўжалиқларини миллий кадрлар билан таъминлаш ниҳоятда зарур эди. Бунинг учун иқтисодчи ходимлар тайёрлашнинг кўп қиррали олий таълими керак бўлиб, устозларимиз мана шундай муҳим ижтимоий-сиёсий, ташкилий-педагогик вазифани шараф билан уюллади.

Очига, янги миллий кадрларни тайёрлаш-

ни ташкил қилиш жараёни жуда оғир кечди. Ўзбек тилида дарс берадиган ўқитувчи-мутахассислар йўқ, аксарият дарслар рус тилида ўтилар эди.

Қолаверса, ўзбек тилидаги дарслик ва ўқув қўлланмалари етишмас, машинасозлик, электротизм, кимё саноати ва бошқа йўналишлар бўйича билим берадиган маҳаллий мутахассислар йўқ, устига-устак маблағ етишмас, институтнинг моддий-техника базаси хароб эди.

► 4



# ИККИ ТОМОНЛАМА МУНОСАБАТЛАР ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА



— Ташриф чоғида давлат раҳбарлари Ўзбекистон — Россия парламентаро алоқалари янада ривожлантириш мумкинлигига алоҳида эътибор қаратди. Мамлакатларимиз раҳбарларининг юксак баҳоси ҳамма соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш учун барчамизга янада катта масъулият юклайди, — дея таъкидлади Т. Норбоева. — Эришилган келишувларни сифатли ва ўз вақтида

амалга ошириш устувор вазифа ҳисобланади. Мулоқотда мазкур халқро ташкилот доирасидаги ҳамкорлик масалалари ҳам муҳокама қилинди. Томонлар Тошкентда бўлиб ўтган Федерация Кенгаши ва Олий Мажлис Сенати ўртасидаги муносабат бўйича Парламентаро комиссиянинг олтинчи мажлиси иши якунларини юқори баҳолади. Сенат Раиси парламентаро ҳам-

корликнинг янги йўналишларини ривожлантириш мақсадида В. Матвиенкони Ўзбекистонга ташриф билан келишга таклиф қилди. Шунингдек, Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги ришталарнинг истиқболли йўналишлари, жумладан, янги корона-вирус инфекциясига қарши биргаликда курашиш юзасидан фикр алмашилди.

**Олий Мажлис Сенати**  
**Ахборот хизмати.**

# ЯНГИ ҚОНУНЛАР МОҲИЯТИ АҲОЛИГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Ўз навбатида, туман Кенгаши депутатларига янги қонун, Фармон ва қарорлар мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка тушуниришга қаратилган тарғибот ишлари самарадорлигини ошириш, бу борадаги муҳим вазифалар ва уларни изчил рўёбга чиқариш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Бўзатов туманида Сенатнинг Оролбўйи минтақасини ривожлантириш масалалари кўмитаси раиси Б. Алиханов иштирокида бўлиб ўтган тадбирда ялпи мажлисда маъқуланган қонунлар ва

қўриб чиқилган бошқа масалалар юзасидан батафсил ахборот берилди. Сенатор бу масалалар мамлакатимизда амалга оширилаётган ишлорнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, иқтисодийни жадал ривожлантириш ва халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини алоҳида таъкидлади. Ийгилишдан сўнг иштирокчилар томонидан Президентимиз ташаббуси билан бошланган "Яшил макон" акцияси доирасида кўчатлар ўтказилди.

Ўтказиш ва гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Тадбирда сўзга олганлар ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар халқимиз манфаати учун хизмат қилиши ва жойларда уларнинг ижросини таъминлашга эътибор қаратиши ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари аъзоларининг фаоллигини ошириш зарурлигини таъкидлади. Ийгилишдан сўнг иштирокчилар "Яшил макон" акциясида қатнашди.

«Халқ сўзи».



Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи қўриб чиқилди.

Кайд этилганидек, жорий йил 9 ойлик Давлат бюджети даромадлари 108,4 фоизга ёки 9 трлн. сўмга ошириб ижро этилган. Шу даврда Давлат бюджети харажатлари 130,2 трлн. сўмни ташкил қилиб, шундан ижтимоий харажатлари молиялаштириш учун 64,0 трлн. сўм ёки умумий харажатларнинг 49,2 фоизи миқдорда маблаг сарфлангани қайд этилди. Бу ЯИМга нисбатан 12,3 фоизга етганини англатди. Ушбу харажатларнинг асосий қисмини ташкил этган таълим тизими муассасаларини сақлаш ва уларни ривожлантириш харажатлари Давлат бюджетидан 27 425,9 млрд. сўм маблаг йўналтирилди.

Бошқа соҳалар каби мазкур тармоқда фаолият олиб бораётган ходимларнинг иш ҳақлари ва унга тенглаштирилган тўловлари тўлиқ ва ўз вақтида тўлаб берилишига катта эътибор қаратилиб, бу харажатлар учун Давлат бюджетидан қарийб 18,0 трлн. сўм ёки таълим йўналишига ажратилган жами харажатларнинг 65,8 фоизи сарфланди.

Мақтабгача таълимга Давлат бюджетидан 5,8 трлн. сўм маблаг ажратилган бўлиб, ҳисобот даврида ушбу маблагларнинг 5,4 трлн. сўми харажат қилинди. Республикада 6 минг 668 та мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилиши натижасида болалар қамрови 4 фоизга оширилди.

Ийгилишдан 2021 йил учун белгиланган вазифаларни йўлга қўйишга бажариш, бунинг учун ажратилган бюджет маблағларини тўла ўзлаштириш бўйича зарур таклиф ҳамда тавсиялар берилди. Шунингдек, "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда атрофлича муҳокама қилиниб, депутатлар томонидан маъқуланди.

"Адолат" СДП фракцияси ййгилишида депутатлар Ўзбекистон Республикаси

давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил тўққиз ойидаги ижроси тўғрисидаги масала ҳам қўриб чиқилди. Фракция аъзолари Давлат бюджетининг ҳисобот давридаги ижроси юзасидан вазирлик ва бошқа мутасадди ташкилотларга саволлар билан мурожаат қилди ҳамда ушбу масала юзасидан партиялар позициясидан келиб чиққан ҳолда фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Ийгилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. **Ўзбекистон Экологик партияси** фракцияси ййгилишида "2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қўриб чиқилди. Унда фракция аъзолари партия Сайловдан дастурида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ушбу соҳада ажратилаётган маблагларни муҳокама қилди.

Халқ вакиллари қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан бир қатор таклифлар берган ҳолда, ушбу таклифлар лойиҳада ўз аксини топишини инobatта олиб, уни маъқуллади. Ийгилишда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил 9 ойи якунлари ижроси тўғрисидаги ҳисобот ҳам муҳокама қилинди.

Депутатлар Давлат бюджетининг 9 ойлик ижросига оид ҳисоботларда сув ва ер ресурсларини сақлаш, улардан самарали фойдаланиш, энергия ресурсларини тежаш, табиат ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик ҳолатни яхшилашга қаратилган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Ийгилишда Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2021 йил 9 ойлиги бўйича ижроси тўғрисидаги ҳисобот маъқуланди.

«Халқ сўзи».

# ЯНГИ ТАҲРИРДАГИ МЕҲНАТ КОДЕКСИ ДАСТЛАБКИ ТАРЗДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш кўмитаси томонидан янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси дастлабки тарзда ишчи гуруҳ таркибиде қўриб чиқилди.

## Сенат кўмитасида

Унда сенаторлар, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, туман ва шаҳарлар Кенгашлари қонунийлигини таъминлаш ва коррупцияга қарши курашиш доимий комиссияси аъзолари, экспертлар, мутахассислар видеоқонференцалоқа орқали қатнашди. Кайд этилганидек, 1995 йилда қабул қилинган амалдаги Меҳнат кодексининг айрым жиҳатлари бугунги кун талабларига мос келмай қолганди. Зеро, ордан ўтган вақт мобайнида ҳаётимизнинг турли жаҳасида бўлгани каби меҳнат муносабати бобида ҳам катта янгиланишлар рўёбга чиқарилди. Шулардан келиб чиқиб, янги таҳрирда замонавий воқеликка мос келадиган ва фуқароларни меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг янги шакллари ҳам инobatта олинмоқда. Айни чоғда иш бевуқчиларга қўшимча ишчиларни меҳнатга жалб қилишнинг содда шакллари таъминлаш имконини берадиган мослашувчан иш режимида кенг фойдаланиши учун етарли шарт-шароит яратиш ҳам кўзда тутилаётди. Қатнашчилар томонидан айтілганидек, амалдаги кодекс 294 моддадан иборат бўлиб, янги таҳрири 2 қисм, 34 боб ва 621 моддадан таркиб топган. Умумий қисм меҳнат ҳуқуқининг барча институти учун асосий аҳамиятга эга бўлган 9 бобдан иборат 2 бўлимини бирлаштирди. Янги таҳрирдаги кодекснинг махсус қисми меҳнат ҳуқуқининг айрым институтларига бағишланган ва бандлик, индивидуал меҳнат муносабатлари, ходимларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, айрим тоифадаги ходимлар меҳнатини тартибга солиш хусусиятлари, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат низоларини қўриб чиқиш каби бўлимларни ўз ичига қамраб олмақда. Ийгилишда кодекс лойиҳасини ишлаб чиқишда хорижий мамлакатлар ҳамда халқро ташкилотлар, жумладан, Германия, Швеция, Норвегия, Буюк Британия, Латвия, Эстония, Япония, Корея Республикаси, МДҲ давлатлари тажрибаси атрофлича ўрганилганлиги ҳам таъкидланди. Янги таҳрирдаги кодекснинг қабул қилиниши ҳодим ва иш бевуқчилар манфаатлари мувозанатини таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳамкорлигини рағбатлантириш, меҳнат фаолиятига жалб қилишнинг янги шакллари кенг ривожлантириш, Меҳнат кодекси қондаларини халқро ҳуқуқ нормалари, хусусан, Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган халқро шарт-номаларга мослаштиришга хизмат қилиши иштирокчилар томонидан эътироф этилди.

«Халқ сўзи».

# НАТИЖАЛАР ВА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ТАҲЛИЛИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг ййгилишида "Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси ва уни амалга ошириш бўйича "Йўл харитаси"нинг ижроси юзасидан мутасадди вазирликларнинг ахбороти эшитилди.

Маълумотларга қўра, шаҳарларни комплекс ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини кўтариш, муҳандислик-коммуникация инфратузилма ҳамда транспорт-логистика тизими, уй-жой ва ишлаб чиқариш объектларини оқилона жойлаштириш, уларнинг меъморий қиёфасини яхшилаш бўйича кенг қамровли ишлар бажарилмоқда. Бу борада "Йўл харитаси"нинг 51 ва 52-бандларида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, 51-бандда белгиланган вазифалар доирасида қўшимча 1,5 миллион аҳолининг илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланишига, 2,9 миллионнинг ичимлик суви таъминоти яхшилашига эришилди, одамларнинг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлиги даражаси 65,1 фоиздан 70 фоизга етказилиши кўзда тутилган. 2022 йил учун марказлашган маблаглар ҳисобидан дастлабки ҳисобий қийматга қўра 1,27 триллион сўм маблаг ажратилиши назарда тутилган. Бундан ташқари, 52-банд ижросини таъминлаш ҳамда халқимиз ҳаётини яхшилаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилаётган ишларга алоҳида эътибор қаратилди. Кайд этилганидек, аввалги йил-

## Парламент назорати

уҳн 2021 йилда ипотека кредитлари бўйича 23,5 минг нафар шахсга 960 миллиард сўмлик субсидиялар тўлаб берилиши айтиб ўтилди. Тадбирда қайд этилганидек, сифатли йўллар аҳолига ўз вақтида тез тиббий ёрдам қўрсатишга муҳим роль ўйнайди. Шу боис жорий йилда 5 минг километрдан зиёд йўллари қуриш-таъмирлаш ишларига бюджет маблағларидан 2,2 триллион сўм ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан 2 триллион сўм маблаг ажратилди. Эшитув давомида депутатлар томонидан мамлакатимизда жорий йилда удаланаётган ишлар, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича қатор таклиф ҳамда тавсиялар берилди. Юқунда муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

# Кўприкларни таъмирлаш ҳолати қандай?

Қонунчилик палатаси Саноат, қурилиш ва савдо масалалари кўмитасининг навбатдаги ййгилишида Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ҳузурдаги Автомобиль йўллари кўмитаси раиси ўринбосари Жамшид Турсуновнинг "Таъмирталаб кўприкларни таъмирлаш ишларининг амалга оширилган ҳолати тўғрисида"ги ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда кейинги йилларда дунё стандартларига мос, ҳар жиҳатдан мукамал лойиҳалар асосида кўприклар, йўлтуқазгичлар қурилаётгани аҳолига янада қўлайлик яратмоқда. Йўл-транспорт соҳасини ривож-

лаш соҳадаги кўриб чиқилган ҳолати таъмирталаб кўприкларнинг тикланиши бўйича кечиктириб бўлмастан, чораларни кўриш мақсадида юртимиздаги мавжуд кўприк иншоотлари хатловдан ўтказилди. Натижада 2021 йил 1 март ҳолатига республикада 14 минг 755 та кўприк иншооти мавжудлиги, шундан 3 минг 324 таси идоравий мансув ташкилотларга бириктирилган, 1 минг 9 таси аварияоғли ҳада авария ҳолатида эканлиги, 5 минг 930 та кўприк иншооти таъмирталаб аҳволдалиги аниқланди.

Хатлов натижаларидан келиб чиқиб, идоравий мансув ташкилотларга бириктирилмаган кўприк иншоотларини тегишли вазирлик ва идораларга ҳамда маҳаллий ҳокимликларга бириктириш бўйича амалий чоралар белгиланган. Шунингдек, аварияоғли ҳада авария ҳолатида бўлган кўприкларни тиклаш ишларини амалга ошириш бўйича Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг тегишли қарорлари мувофиқ манзилли рўйхатлар шакллантирилиб, тасдиқланди.

Амалдаги дастурларга мувофиқ, жорий йилда 37 та умумий қойдала-

**Раҳим ШЕРҚУЛОВ**  
(«Халқ сўзи»).

# НЕФРОЛОГИЯ ВА ГЕМОДИАЛИЗ ХИЗМАТИНИ КўРСАТИШ СИФАТИ ЯХШИЛАНДІ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Фуқароларнинг соғлигини сақлаш масалалари кўмитаси томонидан "Аҳолига нефрология ва гемодиализ хизматини кўрсатиш ҳолати, уни ривожлантириш чоралари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди.

## Давра суҳбати

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Соғлиқни сақлаш, Молия вазирликлари маъсूल ходимлари, соҳа мутахассислари, экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда таъкидланганидек, кейинги беш йил мамлакатимизда соғлиқни сақлаш соҳаси учун улкан ислохотлар даври сифатида тарихга кирди. Бу вақтда соғлиқни сақлаш тизимининг барча бўғинида тиббий хизмат кўрсатиш қўлимани кенгайтириш ва сифатини ошириш, аҳолининг тиббий хизматлардан фойдаланиши қўлайлигини таъминлаш, касалликларнинг олдинини олиш, барвақт аниқлаш ва даволашни яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар узлуқсиз бажариб келинмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимиде амалга оширилган ислохотлар доирасида нефрология ва гемодиализ хизмати ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори тиббийнинг ушбу соҳасини ривожлантиришда дастуриямал бўлди. Бундан ташқари, ҳар йилги давлат дастурларида гемодиализ хизмати кўрсатиш тизимини жиҳозлаш ва сарфлов материаллари билан таъминлашга бюджет маблағлари мақсадли йўналтирилмоқда. Жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида ҳам республикадаги гемодиализ муолажасини кўриб чиқариш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. Бу эса гемодиализ ускуналари ва сарфлов воситалари билан узлуқсиз таъминлаш имкониятини яратди. Буларнинг узвий давоми сифатида, жо-

рий йил июлда "Аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини янада яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарор билан тасдиқланган "Аҳолига кўрсатилаётган нефрология ва гемодиализ ёрдами янада яхшилаш чора-тадбирлари режаси"да қатор вазифалар белгиланиб, нефрологик хизмат кўрсатиш муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қарийб 198 миллиард сўм маблаг Давлат бюджетидан ажратилиши назарда тутилди. Кайд этилганидек, соҳада олиб борилган ислохотлар натижасида мамлакатимизда гемодиализ хизматини кўрсатиш ҳолати тубдан ўзгарди. Кадрлар билан таъминлаш ва уларнинг малакасини ошириш чоралари қўрилди. Буйрак касалликларини шифокори — нефролог ва гемодиализ муахассислари тайёрлаш йўлга қўйилиб, Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан мутахассисликка ўқитилмоқда. Уларни тайёрлаш бўйича магистратура ва ординатурада квоталар жорий қилинди. Шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатишининг барча бўғинида буйрак касалликларига тахшиш қўйиш ва уни даволашнинг ягона замонавий стандартлари ва протоколлари жорий этилди, шунингдек, гемодиализ сеанслари учун мажбурий клиник протоколлар ишлаб чиқилиб, амалиёта жорий қилин-

ди. Гемодиализ муассасалари тиббиёт ускуналари билан жиҳозланиб, уларни эҳтиёт қилиш, гемодиализ учун сарфлаш материаллари билан узлуқсиз таъминлаш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунда республика бўйича 60 та гемодиализ бўлими хизмат кўрсатмоқда. Охириги уч йилда гемодиализ ускуналари сонини 252 тадан 615 тага етди, туманлараро гемодиализ бўлимлари ташкил этилди. Шунингдек, худудларда худди шундай бўлимларни йўлга қўйиш ва уларни жиҳозлаш ишлари давом этмоқда. Тадбирда таъкидланганича, гемодиализ хизматини давлат-хусусий шериклик асосида олиб бориш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Биринчи бўлиқда жувий тендерда Хиндистоннинг "Нефролюкс" компанияси голиб бўлган ва Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм вилоятлари гемодиализ марказларини қуриш 2022 йилда ишга тушириш назарда тутилган. Бу эса жойларда бундай хизматлардан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтиришга хизмат қилди. Шунингдек, республика бўйича 4 мингдан зиёд беморлар гемодиализ муолажасини мунтазам олиб келаётган бўлиб, шундан 1,7 фоизини 18 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Бу профилактика, ка-

саллиқни эрта аниқлаш ва даволаш чораларини кўриш ишларини кучайтиришни, худудларда болалар нефролог шифокорлари билан етарли таъминлаш чораларини кўришни таъқоз этмоқда. Бундан ташқари, жойларда нефрологияга ихтисослаштирилган бўлимлар, асосан, вилоят кўри тармоқли тиббиёт марказларида мавжуд бўлиб, Навоий, Самарқанд, Тошкент вилоятларида бундай бўлимлар ташкил этилмасдан тарапи бўлимида 6 — 15 ўрин ажратилган. Тадбирда депутатлар худудларда нефролог шатлари ажратилиши, уларнинг мутахассис билан таъминланганлиги ҳолатини қайта қўриб чиқиш, вилоят ва туман даражасида нефрологияга ихтисослаштирилган шифо уринларини тақвдий ўрганиб, етарли ўринлар билан таъминлаш, касалликларни эрта аниқлаш ва даволаш, шунингдек, тиббиёт муассасаларининг ўзаро интергациясини яхшилаш ишларини кучайтириш, тиббий олий таълим муассасаларида ташкил этилаётган нефрология ва гемодиализ кафедралари фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш борасида таклифлар берилди. Юқунда билдирилган фикр ва мулоҳазалар инobatта олинган ҳолда қўрита қарори қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

Хамкорлик

Чирчиқ шаҳрида "Худудий тармоқлараро саноат ярмаркаси" бўлиб ўтди. Унда тармоқлараро ва худудий корхоналар ўртасида саноат кооперациясини ривожлантириш, янги ҳамкорлар топиш, буюртмалар портфелини шакллантириш каби долзарб масалалар ечими кутилмоқда.

САНОАТ КООПЕРАЦИЯСИ — ДАВР ТАЛАБИ



Кўрғазмада мамлакатимизнинг турли худудларида фаолият юритаётган саноат корхоналари, хусусий тадбиркорлик субъектларидан иборат 978 нафар маҳаллий ишлаб чиқарувчилар 4 минг 421 турдаги маҳсулотларини намойиш этмоқда. Унинг биринчи иш кунда Олмалик кон-металлургия комбинати, "Узкимё-саноат", "Узэлтехсаноат", "Узсанотқурилишматериаллари" тизимидаги бир қатор йирик ишлаб чиқарувчилар маҳаллийлаштириш ва кооперация дастури бўйича тақдимот ўтказди.

ривдорлиги билан ажралиб туради. Бугунги кўрғазмада улар маҳаллийлаштириш дастурига киритилган янги турдаги тақдимотлари билан қатнашмоқда.

— Асосий фаолиятимиз қайта ишлашга йўналтирилган, — дейди корхона директори ўринбосари Бобур Ортиқхўжаев. — Масалан, аҳоли фойдаланган елим сув идишини кукун ҳолига келтириб, ундан тола оламини ва нотўқима материал ишлаб чиқарамиз. Мамлакатимизда камбў бўлган ушбу ашёдан қурилиш индустриясида кенг фойдаланилмоқда. Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган барча ишлаб чиқариш жараёнида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш кўлами кун сайн кенгаймоқда. Корхонамиз жамоаси ички бозорни тўлиқ таъминлаб, қўшни давлатларга экспорт қилиш режасини ҳам узвий бажармоқда.

Худудий тармоқлараро саноат ярмаркасида "Чирчиқмаш", "Осиё машинақурилиш корхонаси" каби ишлаб чиқариш объектиларининг илғор технологиялар асосида тайёрланган замонавий техникалари, ускуналари билан ички ва ташқи бозорни таъминлашда эришяётган иш тажрибаси кенг ўрганилмоқда.

Саноат кўрғазмаси бугун ҳам ўз ишини давом эттирди.

Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).

ТУТАШ ТОМИРЛАР

Бу омиллари 2019 йилда Озарбайжон пойтахтида бўлиб ўтган Кенгашининг навбатдаги мажлисида Ўзбекистоннинг тўла ҳуқуқли аъзо, Венгриянинг кузатувчи мақомидаги иштироки ҳисобига бирлашманинг кенгайиши ҳодисаси ҳам мустаҳкамлади.

Ўзбекистоннинг ташкилотга тўлақонли аъзолиги эса туркий тилли мамлакатлар бирдамлигига бекиёс ҳисса бўлиб қўшилди, ҳамкорлигини чуқурлаштириш, халқларнинг фаровонлиги йўлида муносабатларни мувофиқлаштириш даражасини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ҳар доим туркий дунёнинг марказий қисмларидан бири бўлиб келган. Қолаверса, юртимиз Буюк Ипак йўлидаги Самарқанд, Бухоро ва Хива каби бетакрор шаҳарлари билан Турк-Ислон тарихининг иқтисодий ва маданий бешиги ҳисобланади. Бундан ташқари, бой миллий ва тарихий мероси билан дунё цивилизациясига салмоқли ҳисса қўшган Ўзбекистон бугунги кунда жуғрофик ўзгаришлари ва ортда бораётган имкониятлари билан бутун минтақани ривожлантириш учун янги имкониятларни тақлиф қилмоқда.

Шу маънода, Президент Шавкат Мирзиёев яқинда бўлиб ўтган Истанбул саммитидаги нутқида илгари сурган тақлифлар туркий дунё учун "Йўл харитаси" хусусиятига эга. Авваламбор, Ўзбекистон раҳбари эътиборни иқтисодий, савдо ва ишлаб чиқариш алоқалари ривожига, транзит-тижорат йўлаклари муҳимлигига қаратди. Бундан ташқари, рақамлаштириш ва технология ўзгаришларига тўхталиб, келажакда халқаро ҳам-жамиятнинг фаол субъекти бўлишни мақсад қилган Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар қандай

ривожланиш йўлини тутиши лозимлигини белгилаб берди.

Давлатимиз раҳбарининг атроф-муҳит ва иқлим ўзгариши каби глобал муаммолар олдида "Яшил энергия", сув муаммоси, кишлоқ ҳўжалиги каби мавзуларга тўхталиб ўтгани ҳам катта аҳамиятга эга. Шу тариха глобал экологик муаммоларнинг Ўзбекистон ва туркий дунё олдида долзарблиги таъкидланди.

Ўзбекистон раҳбари ёш авлод ўртасидаги ўзаро муносабатларни ривожлантириш зарурлигини қайд этиб, маданий ҳамкорлик ва алоқаларни туризм соҳаси орқали ривожлантириш муҳимлигини таъкидлади, туркий дунёнинг келажакдаги бўлган ёшларга алоҳида эътибор қаратди. Бинобарин, муштарак тарихга эга туркий тилли давлатларнинг келажакдаги ёшлар томонидан барпо қилинади.

Яна бир муҳим жиҳат, Истанбулда бўлиб ўтган саммитда Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик Кенгашининг номи "Туркий давлатлар ташкилоти" деб қайта номланди. Энди ташкилот фаолияти сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди.

Туркманистонга ташкилотда кузатувчи мақоми берилиши яна бир тарихий аҳамиятга эга қарор бўлди. Венгриянинг ҳам кузатувчи мақомида эканлигини эътиборга олсак, ташкилот Марказий Осиёдан тортиб Кавказ, Яқин Шарқдан тортиб Европада бўлган худуддаги давлатларни қам-

раб олгани аёнлашади. Шу нуқтаи назардан, экспертлар таъкидлаётганидек, Туркий давлатлар ташкилоти қатнашчилари ўртасидаги ўзаро товар айланмаси яқин келажакда 1 триллион долларга етиши мумкин. Бунинг учун ўртадаги савдо тўсиқларини бар-тароф этиш керак бўлади. Туркий давлатлар савдо ҳамкорлиги тадқиқот марказини ташкил қилиш борасидаги тақлиф амалга осса, бу мақсадга етиш албатта, жаддалашади.

кўприги қурилса, бу ташкилотнинг жозибадорлигини оширади ва чинакам геосийёсий мустақиллигини таъминлайди. Шунингдек, саммитда транспорт-логистика инфратузилмасини кенгайтириш ва модернизациялаш бўйича қўшма лойиҳалар муҳокама қилинган, ўзаро божхона тартибини содда-лаштиришга қилишилгани эътиборга молик.

Саммитда Афғонистон масаласи тилга олинди. Аъзо давлатларнинг барчаси бу борада яқдил — Афғонистон оғир даврда яқалантириб қўйилмаслиги, гуманитар ёрдам кўрсатишда давом этилиши тарафдор.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев Афғонистон мавзуси бўйича Туркий давлатлар ташкилоти доирасидаги қарорлар бир овоздан қабул қилиниши, муштарак сиёсат ишлаб чиқиши кераклигига эътибор қаратди, бу билан туркий дунё "фикр бирлиги" широри билан ҳаракат қилаётганини тасдиқлади.

Президентимиз ташкилот бош қотиби Бағдад Амреев билан учрашувда ҳам бутун минтақа барқарорлиги ва раванқини таъминлашга қаратилган муҳим лойиҳа ва дастурларни илгари суришда тузилма имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Президент Шавкат Мирзиёев яқинда бўлиб ўтган Истанбул саммитидаги нутқида илгари сурган тақлифлар туркий дунё учун "Йўл харитаси" хусусиятига эга. Авваламбор, Ўзбекистон раҳбари эътиборни иқтисодий, савдо ва ишлаб чиқариш алоқалари ривожига, транзит-тижорат йўлаклари муҳимлигига қаратди. Бундан ташқари, рақамлаштириш ва технологик ўзгаришларга тўхталиб, келажакда халқаро ҳам-жамиятнинг фаол субъекти бўлишни мақсад қилган Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар қандай ривожланиш йўлини тутиши лозимлигини белгилаб берди.

Йирик транспорт-коммуникация лойиҳаларини амалга ошириш борасида ҳам жиддий тақлиф ва ташаббуслар илгари сурилди. Агар Каспий бўйидаги Туркманистон ва Озарбайжон ҳамда Туркия ўртасида дўстлик

роғлиги ва раванқини таъминлашга қаратилган муҳим лойиҳа ва дастурларни илгари суришда тузилма имкониятларидан самарали фойдаланиш муҳим эканини алоҳида таъкидлаган эди.

ПОЙТАХТИМИЗ БИР ЙЎЛА УЧТА ТАДБИРГА МЕЗБОНЛИК ҚИЛМОҚДА

Бош кентимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида Ўзбекистон Республикаси Кишлоқ ҳўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон ҳўжалиқлари ва томоққа эг эгалари кенгаши расмий қўллаб-қувватлови ҳамда "International Expo Group" МЧЖ ҳамкорлигида мамлакатимиз иқтисодий раванқига муносиб ҳисса қўшишга хизмат қилувчи учта муҳим тадбир — "UzAgroExpo — 2021", "UzProdExpo — 2021" ҳамда "InterPackExpo — 2021" халқаро кўрғазмалари бўлиб ўтмоқда.

ирригация ускуналари, сотишга ихтисослаштирилган корхона ва ташкилотлар, озиқ-овқат, қадқоқлаш, омехта ем ҳамда дончилик саноати учун ечимлар тақлиф қилинган.



«Халқ сўзи».

Халқаро кўрғазма

Кейинги йилларда мамлакатимиз кишлоқ ҳўжалигини ислох қилиш, соҳада давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш, бозор муносабатларини кенг жорий этиш, етиштирилаётган маҳсулотларни чуқур қайта ишлашни йўлга қўйиш ҳамда тармоқ корхоналари ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бунга бир мисол сифатида

Россия билан кўп томонлама ўзаро алоқаларни кенгайтириш — Ўзбекистон ташқи сиёсатининг энг муҳим стратегик йўналишларидан биридир. Бу жиҳат яқинда давлатимиз раҳбарининг Россия Федерациясига расмий ташрифи давомида ҳам таъкидланди. Шу маънода, Россия Федерацияси Саноат ва савдо вазирлиги ташаббуси билан "UzAgroExpo — 2021" кўрғазмаси доирасида очилган майдонда ушбу мамлакатда ишлаб чиқариш кишлоқ ҳўжалик техни-

каларининг кенг миқёсли экспозицияси тақдим этилаётганини қайд қилди. Шу билан бирга, "UzAgroExpo — 2021" ва "UzProdExpo — 2021" халқаро кўрғазмалари доирасида Беларусь Республикаси корхоналари вакиллари ҳам анча фаол. Улар тақдим қилаётган техника ва ускуналар, хизматлар бугунги замон талабларига мос. Халқаро кўрғазмалар асосида семинар ва мулоқотлар ҳам ташкил этилмоқда.

БАНК КРЕДИТЛАРИ

ОДАМЛАРНИНГ ТАДБИРКОРЛИК ИМКОНИЯТИНИ ОШИРМОҚДА

"Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банкининг худудларда тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги аниқ ишлари белгилаб олинган ҳамда улар ихроси таъминланмоқда. Хусусан, банк томонидан ажратилаётган кредитлар, асосан, аҳоли бандлигини таъминлаш, кичик бизнесни ривожлантириш, умуман, аҳолининг микроомиятвий ресурслардан эркин ва самарали фойдаланишига замин яратяпти. Банкнинг амалиёт бошқармаси томонидан молиялаштирилган пойтахтимизнинг Янги ҳаёт туманидаги "Umka garden" масъулияти чекланган жамият шаклидаги хусусий корхона фаолияти бунга мисол.



Реклама ўрнида

— Айни пайтда мактабгача таълим муассасасида 6 та гуруҳ бўлиб, уларда 90 дан зиёд болажонларга таълим ва тарбия берилмоқда, — дейди мудир Умида Худоева. — Шунингдек, муассасамизда рақс, қарате сингари тўғарақлар ташкил этилган. Гапиринда қўйналаётган болалар учун махсус логопед дарслари йўлга қўйилган. Келгуси йил бошида яна қўшимча гуруҳлар очилмоқда ҳамда фаолиятимизни янада кенгайтиришни мақсад қилганмиз.

Кайд этиш жоизки, "Микрокредитбанк" да мижозларга қўлайлик яратиш мақсадида оилавий тадбиркорлик йўналишида онлайн кредит буюртмалари юбориш, махсулот, хом ашё, ускуналар етказиб берувчи корхоналар билан муносабатларни эркин амалга ошириш имконини кенгайтирувчи Ягона электрон платформа йўлига туширилган. Ушбу платформада банк ва махсулот (товар) етказувчи корхоналардан фойдаланган маълумотлар олиш, бизнес-режа ташлаш, корхоналарнинг топиш каби қўшимча имкониятлар ҳам яратилган.

Аниқ рақамларга тўхталадиган бўлсак, "Микрокредитбанк" томонидан жорий йилнинг ўтган ўн ойи давомида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига 1 936 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилиши ҳисобига 76 мингдан зиёд кишиларнинг бандлиги таъминланди. Ажратилган кредитларнинг 392 миллиард сўми тикувчиликка, 321 миллиардди чорвачиликка, 301 миллиардди хизмат кўрсатиш соҳасига, 291 миллиарди ишлаб чиқаришга, 230 миллиарди иссиқхона ҳўжалигига, 148 миллиарди паррандачиликка, 253 миллиард сўми эса бошқа тармоқларга йўналтирилди. — Ҳар бир худуд ва маҳалланинг "Ушми нуқталари"ни аниқлаган ҳолда имтиёзли кредитлар ажратиш механизми йўлга қўйилиши натижасида ўтган йилнинг мос давридаги нисбатан имтиёзли кредитлар 707 миллиард сўмга ёки икки баробарга, аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичи 29 мингтага ўсди, — дейди банкнинг амалиёт бошқармаси бошлиғи ўринбосари Акмал Аннаев. — Эътиборлиси, мазкур имтиёзли кредитларнинг 63 фоизга яқини ёки 1 214 миллиард сўми 42 минг 526 нафар ишсиз ёш йилгит-қизга тадбиркорлик учун берилди. Бунинг натижасида 47 мингдан зиёд ёшларнинг бандлиги таъминланди. Яна бир муҳим жиҳати, ўзини ўзи

банд қилиш йўналишида 9 минг 863 нафар жисмоний шахсга 223,2 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Шу билан бирга, "темир дафтари", "ёшлар дафтари" ва "аёллар дафтари"га киритилган 28 мингта яқин ёшлар, хотин-қизлар ва аҳолининг эҳтиёжманд қатлами вакиллари тадбиркорлик қилиши учун 618 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар тақдим этилди.

Банк филиалларида йил якунига қадар тадбиркорлар билан ишлашнинг айнан мижозга йўналтирилган, яъни ўз мижозлари билан бизнес-ҳамкор сифатида ишлаш, фаолиятни мижозбай, маҳаллабай тамойили асосида давом эттиришни уюштириш ишларининг жаддаллаштирилиши самара даражаси янада кўтарилишидан далолатдир.

Пресс-тур давомида "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки мутахассислари журналистларни қизиқтирган қўллаб-қувватларга батафсил жавоб берди.

Диллод УЛУҒМУРОВОВ. Хизматлар лицензияланган.

Ибрат

ҲАМЖИҲАТЛИКДА ҲИҚМАТ КЎП

Сув она заминимиз бизга туҳфа этган неъматлар орасида энг қадрлигидир. Халқимиз шу боис ҳам ушбу неъматни етказиб берувчи сувчиларни ҳалол, пок инсонлар, деб билади, улар меҳнатини қадрлайди. Атрофи чинидек тоза қилиб қўйилган, ҳар тарафлама обод сув иншоотларига борганингизда сувчилик савобли касб эканини яна бир бор дилдан ҳис қиласиз. Бу касб эгаларига эҳтиромингиз ортади.

Навоий вилоятига сафаримиз чоғида ана шундай масканлардан бирида бўлдик. Ушбу манзил — Кармана гидроузели бўлиб, шу ерда Зарафшон дарёсидан ўнг қирғоқ ва Чап қирғоқ каналлари ажралиб чиқди. Ўнг қирғоқ каналдан Навбахор, Конимех туманлари ва Навоий иссиқлик электр станциясига сув етказиб берилади, Чап қирғоқ каналдан Кармана тумани ва Навоий шаҳри сув олади.

Сўнги бир йил ичида бу ерда кўп ўзгариш бўлибди. Диспетчерлик биноси яқинда таъмирланган. Гидроузельда 14 та сув дарвозаси бўлиб, барчаси автоматлаштирилган. Ўнг қирғоқ каналига "ақли сув" қурилмаси ўрнатилган. Кейинги босқичда Чап қирғоқ каналига ҳам ана шу қурилмадан қўйилади. Борганимизда ўн чоғли ишчи-ҳодимлар мевали дарахт қўчатлари эканган экан. Гидроузельда 15 киши меҳнат қилади, улар "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида 31 минг 700 туп дарахт қўчати экишнинг марра қилиб белгилашган. Шундан 10 минг 700 тупи мевали дарахт қўчатларидир. 15 ноябрь ҳолатига кўра, 5 минг 800 туп гилос ва олхўри қўчатлари экиб бўлинган экан. Гидроузель атрофида кўчат экса бўладиган жойлар бор. Қуриган, эскирган дарахтлар ўрнига, қадемай янги ниҳоллар қадалади. 5 гектар ер эса ишчиларга 15 сотихдан бўлиб берилган. Қолган қисмида жомоа бўлиб экин экишади, ҳосил ҳам ўртада.

Кўшимча даромад манбаи сифатида худудда 10 сотих ерга саримсоқлиёз экиб қўйилган. Бундан ташқари, бу йил 1 гектарга экилган шолдан 4 тонна ҳосил олинди. Яна 5 гектар ерда ба-

лиқчилик ҳўжалиги ташкил қилинган. Ноябрь ойи бошида келтирилган 2 мингта ўрдақ ҳўжаси қаттагина бўлиб қолибди. Уларни парвариш-лаш учун битта янги иш ўрни яратилган. Ўрғирогои, ҳодимлардан бирининг оиласи ўрдақларга қарайди, даромаддан ўз улушини олади. Бу билан ҳар бир ҳодим ўз оиласининг фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшади.

Гидрометр Шуҳрат Ҳайдаровнинг айтишича, ўрдақчиликда тажриба камлиги сабаб ҳозирча 2 мингтадан бошлашибди. Кўнламага бориб улар сонини 10 мингтага етказишмоқчи. Бундан ташқари, 20 та қурқа, 30 тача товуқ, 50 та қуён, 12 бош эчки бор. Сентябрь-октябрь ойларида ҳар бир ҳодимга 10 килодан балиқ, 50 килодан шолғом, 50 килодан турп, 50 килодан сабзи, 30 килодан картошқа тарқатилган...

Шу ўринда яна бир гап. Сувининг ҳаётимиздаги аҳамияти жуда муҳимлигини билиб турса-да, одамзод сув ҳавзаларини, иншоотларини чиқинди ва ахлатлар билан тўлдириб, ифлослантиришда давом этяётгани ҳам айни ҳақиқат. Глобал муаммолар инсониятга берилган қаҳриқдир. Бу муаммолардан қочиб бўлмайди, бироқ уларга ечим топиш мумкин. Бунинг учун она сайёрамизда яшаётган ҳар бир инсон ҳаракат қилиши керак, ҳолос. Сўнгсўз ўрнида айтмоқчи бўлганимиз, қанийди, ҳамма сув иншоотлари, насос станциялари, ташкилотларимиз Кармана гидроузелидаги каби обод, кўркам, файзли бўлса.

Шуҳрат СҮЮНОВ, Ўзбекистон Республикаси Сув ҳўжалиги вазирлиги матбуот қотиби. Тошкент педиатрия тиббиёт институти жомоати институтининг Геспитал педиатрия №2, халқ таъбири кафедраси доценти Раъно Юнусовага отаси Тўлқин ЮНУСОВнинг вафоти муносабати билан чуқур таззия ихсдор этади.



Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банк ташаббуси билан "Микрокредитбанк" акциядорлик тижорат банки томонидан мазкур муассасага оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида пресс-тур ташкил этилди. Тадбир давомида қатнашчилар хусусий боғча фао-

